

Special characteristics of the international investment process and investments**Mardonov A.Yu., Almardanov M.I., Djumanazarova Z.K.****Oriental University, Tashkent, Uzbekistan.**

Abstract. In the article, the international investment position, formation of sources of financing methods of investment activities, factors influencing methods of financing investment activities, methods of financing investment activities are analyzed, and practical suggestions are developed.

Key words: Investment, methods of financing investment activity, international investment position.

JtCoS

Халқаро инвестицион жараён ва инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятлари**Мардонов А.Ю., Алмарданов М.И., Джуманазарова З.К.****Ориентал университети, Тошкент, Ўзбекистон.**

Аннотация: Мақолада халқаро инвестицион жараён, инвестиция фаолиятини молиялаштириш усулларининг манбаларини шакллантириш, инвестиция фаолиятини молиялаштириш усулларига таъсир этувчи омиллар, инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари таҳлил қилинган ҳолда амалий таклифлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Инвестиция, инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари, халқаро инвестицион жараён

Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш орқали ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, экспортни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини самарали ишлаб чиқиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш таъкидлаб ўтилди:

«Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди.

Вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам бир ҳақиқатни яхши тушуниб олиши керак: Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.

Бу борада Халқаро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланди.

Иқтисодийтимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди.

Иқтисодийга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз.

Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик.

Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади» Д.Морозовнинг тадқиқотларида лойиҳавий молиялаштириш – бу лойиҳани турли шаклларда кредитлаш бўлиб, бунда кредитларнинг қайтарилишининг манбаси лойиҳадан келадиган даромадлар ҳисобидан таъминланиши асослаб берилган¹. Игонина Л.Л. эса инвестиция фаолияти мазмунига ҳам кенг, ҳам тор мазмунда таъриф бериш мумкинлигини таъкидлаб ўтади². Ушбу атамага кенг таъриф берилганида: “инвестиция фаолияти-бу маблағларни инвестициялаш объектларига даромад (самара) олиш мақсадида киритиш билан боғлиқ фаолият”³ сифатида тушунишни таклиф этади. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Инвестиция фаолияти-инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи”⁴ сифатида ифодаланади.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш йўли бевосита молиявий дастакларни ишга солиш билан боғлиқ бўлиб, бу, ўз навбатида, инвесторларнинг инвестиция лойиҳасини амалга оширишда манфаатдорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш доимо инвесторлар билан боғлиқ бўлиши

¹ Морозов Д.С. Проектное финансирование: управление рисками и страхование. – М.: «Анkil», 1999. – С. 21.

² Игонина Л.Л. Инвестиции. Уч.пос.– М.: Экономист, 2005. – С. 25.

³ Игонина Л.Л. Инвестиции. Уч.пос.– М.: Экономист, 2005. – С. 25.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 25 декабр, 3-модда. // lex.uz.

уларнинг молиявий ва иқтисодий манфаатларини амалга оширадиган лойиҳаларда юзага чиқаришга қаратилади.

Портфел инвестициялар инвестицион фондларнинг акция ва пайлари ҳамда қарз қимматли қоғозлари каби шаклларга эга. Халқаро бозорларда муомалада бўлган қарз қимматли қоғозлари бозор нархларида акс эттирилади.

Инвестиция сиёсати Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Инвестиция фаолияти инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуидан иборат. Инвестициялар инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялардан иборат.

Инвестор фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган, ўзига тегишли бўлган ихтироларни, фойдали моделларни ва саноат намуналарини хорижда ҳамда Ўзбекистон Республикасида патентлаш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Чет давлатларнинг фуқаролари бўлган чет эллик инвесторларга, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш корхоналарини ташкил этишга инвестициялар киритган муассисларига (иштирокчиларига) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган шартларда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси содалаштирилган тартибда берилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек унинг ташқарисида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақларни очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

Судаларни чет эл валютасида олиш ва қайтариш.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

Чет эллик инвесторларга ҳамда чет эл инвестицияларига адолатли ва тенг ҳуқуқли режим тақдим этилади, уларни тўлиқ ва доимий равишда ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган режимга нисбатан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режим Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларнинг тегишли режимига нисбатан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ иқтисодиётнинг ҳамда аҳоли соғлиғини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига доир манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг белгиланган соҳаларига чет эл инвестицияларини киритиш учун чекловларни ёки тақиқни ўз ичига олиши мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳамда халқаро шартномалари билан тартибга солинади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ихтиёрий асосда уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмаларини ташкил этиши, шунингдек амалдаги хўжалик бирлашмаларига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириши мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни, уларнинг шўъба корхоналарини, филиалларини ҳамда бошқа тузилмаларини, шунингдек хўжалик уюшмалари ва бирлашмаларини ташкил этишга, сотишга, қайта ташкил этишга ёки тугатишга, чет эл

инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фондларини шакллантиришга, ижара шартномаларини ва бошқа шартномаларни тузишга доир хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар солиқлар ва тўловлар тўлайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл валютасидаги барча харажатлари уларнинг ўз валюта тушумлари, шунингдек чет эл валютасини олишнинг қонунчиликда рухсат этилган бошқа манбалари ҳисобидан таъминланиши керак. Уларнинг ўзини-ўзи валюта билан қоплаши ташкил этиладиган бирлашмалар ва бошқа ташкилий тузилмалар фаолияти доирасида ҳам таъминланиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар экспорт-импорт операцияларини қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда мустақил равишда амалга оширади. Шахсий ишлаб чиқариш маҳсулотларининг экспорти лицензияланмайди ва квоталанмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ лицензиясиз импорт қилишга ҳақли. Экспорт учун етказиб берилаётган шахсий ишлаб чиқариш маҳсулотини ва корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинаётган маҳсулотни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида божхона божини ундиришдан қонунчиликда белгиланган тартибда озод этилади. Чет эллик инвесторларнинг, чет давлатлар фуқароларининг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи, чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан божхона божи ундирилмайди.

Ихтироларни ва саноат намуналарини инвестициялар сифатида киритувчи чет эллик инвесторларга ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган ихтироларни патентлаш ҳамда саноат намуналарини жорий этиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар корхона фондларининг рўйхатини, уларни тузиш ва улардан фойдаланиш тартибини мустақил равишда белгилайди.

1-жадвал

2022 ЙИЛНИНГ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИ УЧУН ДАВЛАТ БОШҚАРУВ СЕКТОРИНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ

(асосий компонентлар бўйича ажратилганда)

(млн. доллар)

Кўрсаткич	01.01.2022	Тўлов балансининг операциялари	Нооперацион ўзгаришлар	01.07.2022	I ярим йиллиги учун ўзгаришлар
Соф инвестицион позицияси	16 084,5	-52,4	1 139,9	17 172,0	1 087,6
Активлар	35 143,7	274,4	170,2	35 588,3	444,7
Монетар олтин	20 949,7	-	271,4	21 221,1	271,4
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	1 111,9	-1,4	-55,7	1 054,8	-57,1
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	-	-0,0	0,0	-0,0
Валюта ва депозитлар	13 077,6	286,6	-56,6	13 307,5	230,0
Бошқа активлар	4,5	-10,7	11,1	4,8	0,3
Мажбуриятлар	19 059,2	326,8	-969,7	18 416,3	-642,9
Портфель инвестициялари	2 670,6	-0,0	-439,8	2 230,8	-439,8
Ссудалар ва қарзлар	15 281,3	325,7	-473,1	15 134,0	-147,4
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	1 107,3	1,1	-56,8	1 051,6	-55,8

Ўзбекистон Республикасига чет элдан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф ўсиши 895,4 млн. долларни ташкил қилди (2021 йилнинг I ярмида 1,3 млрд. доллар). Шу билан бирга, капиталга соф инвестициялар (махсулот тақсимотига оид битимлар бўйича операциялар бундан мустасно) – 362,8 млн. долларни, бош офисдан жалб қилинган қарзлар – 505,6 млн. долларни, махсулот тақсимотига оид келишувлар асосида ишлаётган корхоналар томонидан инвестицияларнинг соф сўндирилиши – 325,1 млн. долларни ташкил қилди. Портфель инвестицияларнинг манфий сальдоси 2022 йилнинг I ярим йиллигида 6,9 млн. долларни ташкил қилди. Ўзбекистон Республикасининг соф инвестицион жараёни кўрсаткичи йил бошига нисбатан 9 фоизга ёки 1,6 млрд. долларга ошиб жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 18,5 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, мамлакатнинг чет эл валютасидаги активлари 74,7 млрд. доллар, ташқи мажбуриятларининг ҳажми эса 56,3 млрд. долларга тенг бўлди.

2022 йилнинг I ярим йиллигида жорий операциялар ҳисоби дефицити 830 млн. доллар (2021 йилнинг I ярмида 3,3 млрд. доллар) билан шаклланди. Бунда, савдо баланснинг (товарлар ва хизматлар) манфий сальдоси (6,5 млрд. доллар) бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси (5,7 млрд. доллар) ҳисобига қисман қопланди. 2022 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 52,5 млн. долларни (2021 йилнинг I ярмида 3,7 млрд. доллар) ташкил этди. Мажбуриятлар бўйича асосан тўғридан-тўғри ва бошқа инвестициялар мос равишда 895 млн. доллар ва 3,2 млрд. долларга ўсиш кузатилган бўлса, активларда эса валюта ва депозитлар ҳамда халқаро резерв активлар билан боғлиқ операциялар мос равишда 3,4 млрд. ва 285,2 млн. долларга ортди.

2-жадвал

2022 ЙИЛНИНГ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИ УЧУН ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯ

(асосий компонентлар бўйича ажратилганда)

(млн. доллар)

Кўрсаткич	01.01.2022	Тўлов баланснинг операциялари	Нооперацион ўзгаришлар	01.07.2022	I ярим йиллиги учун ўзгаришлар
Соф инвестицион позицияси	16 862,8	-52,5	1 648,6	18 458,9	1 596,1
Активлар	70 400,8	4 090,2	258,5	74 749,5	4 348,7
Тўғридан-тўғри инвестициялар	197,8	2,8	4,3	204,9	7,1
Портфель инвестициялари	2,5	-	0,1	2,6	0,1
Бошқа инвестициялар	35 061,4	3 802,2	94,9	38 958,5	3 897,1
<i>шундан валюта ва депозитлар</i>	<i>26 250,8</i>	<i>3 354,5</i>	<i>95,3</i>	<i>29 700,6</i>	<i>3 449,8</i>
Захира активлари	35 139,2	285,2	159,2	35 583,5	444,3
Мажбуриятлар	53 538,0	4 142,7	-1 390,1	56 290,6	2 752,6
Тўғридан-тўғри инвестициялар	11 525,2	895,4	75,8	12 496,4	971,1
Портфель инвестициялари	4 721,0	6,9	-678,1	4 049,8	-671,2
Молиявий ҳосилалар	10,7	-5,8	1,3	6,3	-4,5
Бошқа инвестициялар	37 281,0	3 246,2	-789,1	39 738,1	2 457,1
<i>шундан ссудалар ва қарзлар</i>	<i>33 267,6</i>	<i>402,7</i>	<i>-734,9</i>	<i>32 935,3</i>	<i>-332,2</i>

Ўзбекистон Республикасининг соф инвестицион жараёни кўрсаткичи йил бошига нисбатан 9 фоизга ёки 1,6 млрд. долларга ошиб жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 18,5 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, мамлакатнинг чет эл валютасидаги активлари 74,7 млрд. доллар, ташқи мажбуриятларининг ҳажми эса 56,3 млрд. долларга тенг бўлди. 2022 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 52,5 млн. долларни (2021 йилнинг I ярмида 3,7 млрд. доллар) ташкил этди. Мажбуриятлар бўйича асосан тўғридан-тўғри ва бошқа инвестициялар мос равишда 895 млн. доллар ва 3,2 млрд. долларга ўсиш кузатилган бўлса, активларда эса валюта ва

депозитлар ҳамда халқаро резерв активлар билан боғлиқ операциялар мос равишда 3,4 млрд. ва 285,2 млн. долларга ортди.

Ўзбекистон Республикасига чет элдан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф ўсиши 895,4 млн. долларни ташкил қилди (2021 йилнинг I ярмида 1,3 млрд. доллар).

Шу билан бирга, капиталга соф инвестициялар (маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича операциялар бундан мустасно) – 362,8 млн. долларни, бош офисдан жалб қилинган қарзлар – 505,6 млн. долларни, маҳсулот тақсимотига оид келишувлар асосида ишлаётган корхоналар томонидан инвестицияларнинг соф сўндирилиши – 325,1 млн. долларни ташкил қилди.

Портфель инвестицияларнинг манфий сальдоси 2022 йилнинг I ярим йиллигида 6,9 млн. долларни ташкил қилди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг мол-мулки ва мулкӣ ҳуқуқларидан улар ўз мажбуриятларининг барча турларини таъминлаш сифатида, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишни таъминлаш учун фойдаланиши мумкин. Унинг савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига, шунингдек турар жойларга ва турар жойлар жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқи, биноларга, иншоотларга, ускуналарга бўлган мулкӣ ҳуқуқлари, шунингдек бошқа ашёвий ҳуқуқлари мажбуриятларнинг таъминоти сифатида кўрсатилиши мумкин.

Чет эллик инвесторга мулк ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган барча мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқлардан, улар қаерда турганлигидан қатъи назар, инвестор томонидан ўз мажбуриятларининг таъминоти сифатида фойдаланилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қонунчиликда назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Ўз устав фондини (устав капиталини) белгиланган муддатда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда шакллантира олмаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни амалда шакллантириб улгурган, аммо қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаган даражагача камайтириши ёки ўзи бошқа ташкилий-ҳуқуқӣ шаклга айлантирилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг активларига ушбу корхоналар тугатилган тақдирда солиқ солинади. Активларнинг қолган қисми, агар таъсис ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона иштирокчилари ўртасида уларнинг корхона мол-мулкидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона таркибидан чиққан ёки ушбу корхона тугатилган тақдирда корхонанинг мол-мулкидаги ўз улушини бозор қийматига мувофиқ пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда ўзлари билан меҳнат шартномалари тугатилган ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг асосий мақсади сифатида қуйидагиларни белгилаш зарур:

- Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни қўпайтириш учун шароитларни янада ривожлантириш лозим;
- Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига инвестицияларни жалб этиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Голайдо И.М., Уварова Е.Е. Инвестиционный климат региона: содержание, структура и проблемы формирования // Образование и наука без границ: фундаментальные и прикладные исследования. – №3. – с. 236-242. 2016.
2. www.cbu.uz- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти.
3. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитасининг расмий сайти.
4. World bank report, 2010. 5. World Economic Outlook. IMF.

2019-2023